

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҚОШИДАГИ
“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМГАРМАСИ**

Ва

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ**

Тошкент ш.

2020 йил 30 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2020 йил 30 апрель куни ўтказилган йиғилиш 28-сонли баёнининг 36-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда – ОАК) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар (кейинги ўринларда – Илмий кенгашлар) фаолиятига ва экспертиза жараёнига илмий даражали тажрибали хорижий ватандошлар ва мутахассислар (кейинги уринларда – хорижий экспертлар)ни жалб этишда ҳамкорликда ҳаракат қиладилар.

2. ОАК ва Жамғарма, жумладан қуйидаги механизмлар асосида илмий кенгашлар таркибига хорижий экспертларни киритиш;
расмий оппонент ва тақризчи сифатида хорижий экспертларни жалб қилиш;
хорижий экспертлар иштирокида илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясининг долзарб масалаларига оид онлайн конференция ва вебинарлар ташкил этиш;
олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид масалаларни баҳолаш жараёнига хорижий экспертларни жалб этиш.

3. Илмий кенгашлар фаолиятига ва экспертиза жараёнига хорижий экспертларни жалб этишда:

а) Жамғарма қуйидагиларга масъул:

хорижий экспертларни излаб топиш ва уларнинг рўyxатини ОАКга тақдим этиш;
хорижий экспертларни жалб этиш ишларида ОАК ва илмий кенгашларга кўмаклашиш;
фаолият натижадорлигини ошириш бўйича ОАКга таклифлар киритиш;
фаолият самарадорлигини оширишнинг бошқа шаклларида иштирок этиш.

б) ОАК қуйидагиларга масъул:

хорижий экспертлар рўyxатини тегишлилиги бўйича илмий кенгашларга етказиш;
хорижий экспертларни жалб этиш ишларида Жамғарма билан биргаликда илмий кенгашларга кўмаклашиш;
фаолият натижадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифларни муҳокама қилиш ва амалиётга жорий қилишни ташкил қилиш;
илмий кенгашларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини назорат қилиш;
хар йил якуни бўйича илмий кенгашлар маълумоти асосида таҳлилий маълумотномани тайёрлаш, Жамғарма билан биргаликда муҳокама қилиш ва натижаларини “ОАК Бюллетени” ва ОАК веб-сайтда эълон қилиш.

«ТАСЛИКЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК раиси

А.Т. Юсупов



«ТАСЛИКЛАЙМАН»
“Эл-юрт умиди” жамғармаси
директори

А.Ш. Бекмуродов

